Давлат ижтоб палатаси
Нижная палата УзССР

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

19 июль, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 151 (1668)

● *ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА*

ҚОНУН — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОМИЛИ

Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида баён этилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммоларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни қўмита раиси Абдурафиқ Аҳадов бошқарди.

Унда мазкур қўмита аъзоси -- Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори М. Раҳмонқулов маъруза қилди.

Республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Бош вазир ўринбосари -- Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов ва бошқа депутатлар сўзга чиқиб, янги асар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканлигини, унда жамиятимизни барқарор ривожлантириш, миллий қадриятларни тиклаш, демократик институтлар ва бозор муносабатларини шакллантириш каби долзарб масалалар баён этилганини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисда, шунингдек, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизими корхона ва ташкилотларида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши бўйича вазирлик тизими корхона ва ташкилотларида бирмунча ишлар амалга оширилган. Жумладан, барча вилоятларда бош ҳисобчилар иштирокида семинар-кенгашлар ўтказилган. Қашқадарё вилояти агросаноат уюшмаси томонидан туман агросаноат уюшмалари бошқармаларининг ходимлари, мутахассислари ва хўжаликларнинг бош бухгалтерлари, иқтисодчилари, молия мутахассислари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилиб, қонунни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Аммо жойларда бу борада ижобий ишлар билан биргаликда бир қатор қамчиликларга ҳам йўл қўйилган. Қонун ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида жойларга етказилмаган ва уни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмаган. Оқибатда айрим хўжалик раҳбарлари, айнан ушбу қонун асосида иш юритувчи бош бухгалтерлар, иқтисодчилар ва мутахассислар бу муҳим ҳужжат тўғрисида маълум тушунчага эга эмаслар. Бу эса жойларда Қонуннинг бузилишига олиб келган.

Вазирлик тизимида шартнома мажбуриятларини бажаришга доир ҳуқуқий омиллардан фойдаланиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Бу эса ўз навбатида молиявий натижаларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун халқ хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● *ИСЛОҲОТ — АМАЛДА*

МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳаётида муҳим воқеа юз берди — корхонанинг прокат цехида диаметри 104 миллиметрли биринчи пўлат шар олинди.

Бу ерда қабул қилинган импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурига мувофиқ, бекободлик металлургия республикамизнинг кон-металлургия ва цемент саноати учун зарур бўлган катта диаметрли шарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни август ойига белгилаган эдилар. Мутахассислар ва ишчиларнинг ғайрати туфайли бу муҳим ишлаб чиқариш вазифасини белгиланган муддатдан ярим ой олдин ҳал этишга муваффақ бўлинди.

Август ойида, хусусан, Навоий ва Олмалиқ кончилари ҳамда металлурглари учун диаметри 104 миллиметрли пўлат шарлар ишлаб чиқарадиган линия тўла қувват билан ишлай бошлайди. Унинг қуввати комбинатда йилига 40-45 минг тонна шундай буюм тайёрлашга имкон беради. Бу эса мазкур маҳсулотни чет мамлакатлардан келтиришга хотима бериб, валюта маблағларини анча тежаш учун имконият яратади.

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

Сўнгги йилларда республикамизда спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Пойтахт ва вилоят марказларида замонавий спорт иншоотларининг қад ростлаши, қатор халқаро мусобақаларнинг мамлакатимизда ўтказилиши фикримизнинг ёрқин исботидир.

Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги арафасида пойтахтда яна бир спорт иншооти -- республикада ягона бўлган «Юнусобод» ёпиқ теннис корти фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда. Қурилиш бош пудратчиси -- «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси 12-қурилиш трестининг 51-қурилиш бошқармасидир. Бу ерда 6 та қурилиш ташкилотининг 1,5 минг нафардан ошиқ қурувчилари меҳнат қилишмоқда. Ўзбек қурувчиларига Югославия ва Италиядан ташриф буюрган мутахассислар ҳам кўмаклашишяпти. 3200 ўринга мўлжалланган замонавий ёпиқ теннис корти спорт ихлосмандларининг севимли масканларига айланишига шубҳа йўқ.

СУРАТЛАРДА: «Ўзсантехгазмонтаж» трести бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рубин Баласанов (ўртада), Чирчиқ монтаж бошқармаси бошлиғи Лутфулла Сиддиқов ва «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси 51-қурилиш бошқармаси бошлиғи Абдусамад Набиев билан навбатдаги иш режасини муҳокама этишмоқда; «Юнусобод» ёпиқ теннис корти қурилишида; «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси 12-қурилиш трестининг 51-қурилиш бошқармаси пайвандчиси Фарҳод Матқобилов.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

● *ТАДБИРКОРЛИК*

ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ!

Тўрткўл туманидаги «Тўқай» хўжалигининг қирқ минг гектардан зиёд ер майдони бор. Бу ерда, асосан, саксовул, черказ ва тўронғил ўсади.

Меҳнат аҳли бир неча йиллардан буён дов-дарахтлар, ўсимликларни асраб-авайлаш, уларнинг майдонини кўпайтириш, ҳатто ушбу ҳудуддаги қуриб қолган турли дов-дарахтлардан самарали фойдаланиш йўлида астойдил ҳаракат қилишмоқда. Шу мақсадда ёғочни қайта ишловчи цех ташкил этилган. Унда турли-туман халқ исътемол буюмлари -- дераза ва эшик ромлари, белкурак, ҳар хил идишлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

«Тошкент трактор заводи» давлат хиссадорлик жамиятининг маданият мажмуида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди.

Унда корхона раҳбарлари, ишчи ва хизматчилари, олимлар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимиз раҳбарининг янги асарида республикамизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари, давримизнинг энг долзарб ижтимоий-иқтисодий ва маънавий масалалари хусусида батафсил фикр юритилганини, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари теран таҳлил этилганини, унинг буюк келажак сари саъй-ҳаракатимизда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилажагини таъкидладилар.

МУСИҚА БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Республика Ташки ишлар вазирлиги қабуллар уйида шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқандда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига бағишланган брифинг ўтказилди.

Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари У. Исмоилов мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган мазкур нуфузли анжуманда жаҳоннинг қирққа яқин мамлакати санъаткорлари иштирок этиши кутилаётганини маълум қилди. Республикамиз барча вилоятлари вакиллари қатнашадиган бу мусиқа байрами миллий маданиятимизнинг ранг-баранглиги, бетакрор ўзига хослигини намойиш этади, халқлар ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлаш ва ижодий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Анжуманда йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎзА).

ШАРҚОНА НАВОЛАР ЯНГРАГАЙ

Санъатшунослик номзоди Саида Қосимхўжаева билан мулоқот

-- Мазкур тадбирнинг «Шарқ тароналари» деб номланишининг ўзида гўзал бир рамзий маъно бор. Шундай эмасми?

-- Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 мартда матбуотда эълон қилинган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ўқиганимдаёқ, сиз айтган фикр хаёлимдан ўтганди. Нега десангиз, бундай катта миқёсдаги нуфузли анжуман мустақиллик йилларида илк бор ўтказилаяпти ва яна мустақиллик байрамининг олти йиллиги билан уланиб кетаяпти. Тўғри, ҳозир ҳам «Осиё даусы», Сан-Ремо, Юрмала фестивалларидаги бўлиб ўтаётир. Лекин мазкур фестиваль улардан кескин фарқ қилади. Аввало, бу асл маънодаги Шарқ фестивали. У ўзининг бетакрор куй-наволари билан юрақларда Шарқнинг қадим маданияти, қолаверса, ўзлигини уйғотади. Ва ўз навбатида мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунини ҳам намойиш этади. Шунингдек, бу фестивалнинг ЮНЕСКО халқаро маданият тадбирлари рўйхатига киритилиши Шарқ наволарининг дунё бўйлаб қанот қоқиши демакдир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтишни истардимки, Инсон манфаатлари йили — 1997 йил санъатимиз учун ҳам қутлуқ келди. Янги йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида санъат тараққиётини юқори поғонага олиб чиқувчи иккита Фармон ва битта қарор қабул қилинди. Агар таъбир жоиз бўлса, мен жорий йилни «Санъат йили» деб ҳам атардим.

-- Фестивалнинг нега айнан Самарқандда ўтказилиши кўпчиликни қизиқтиряпти.

-- Албатта. Самарқанд ўзининг асрий обидалари, осори-атиқалари, мукаммал кўрку жамоли, сиру синоати билан бутун дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Мен уни қадимий мумтоз қўшиққа қиёслайман. Амир Темур бобомизнинг, Бибихонимдек момомизнинг муборак нафаси уфуриб турган қадим ва навқирон шаҳар бағрида шарқона наволарнинг янграши бизга чексиз ғурур бағишлайди.

Маълумки, ҳозиргача ҳам Самарқандда турли фестивалар ўтказиб келинарди. Айниқса, Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси, мақомларга бағишланган тадбирлар миллий санъатимизнинг чексиз имкониятлари, сеҳр-жозибасини намойиш этгани ҳамон ёдимизда. Бу галги фестиваль кунларида амалга ошириладиган режалар мазмуни дунё ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб, жаҳонга танилиб бораётган юртимиз ва халқимизнинг ижодий куч-қудратини яна бир бор намойиш этади. Қолаверса, фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар ер юзининг сайқали, деб ном олган Самарқандда истиқлол йилларида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишадилар. Бундан ташқари, фестиваль мустақиллигимизнинг олти йиллиги нишонланаётган пайтда ўтаётганида ҳам рамзий маъно бор.

Шарқ халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, чин инсоний қадриятларни, гўзалликни тараннум этиш кўнгилдагидек уддаланишига ишончимиз комил.

Хуллас, кўплаб тарихий воқеалар шоҳиди бўлган Самарқанд яна бир тадбирнинг ватанига айланадиган бўлди.

-- Шарқона наво иборасини батафсилроқ изоҳлаб берсангиз.

— Шарқ санъаткоридан шарқона наво иси келиб туриши лозим. Чунончи, Юнус Ражабий, Муҳиддин Қори Ёқубов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Ҳалима Носирова ижодига бир назар ташлайлик. Қўшиқларида тушунарсиз ёхуд ўгай сўзлар мутлақо бўлмаган. Тамарахоним, Мукаррамахоним рақсларида заррача бегона хатти-ҳаракатлар учрамасди. Шунинг учун ҳам халқ уларнинг қўшиқларини, рақсларини беҳад севиб тинглаган, томоша қилган.

-- Санъатшунос сифатида фестивалга тайёргарлик ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Фестивалга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Уни ўтказиш билан алоқадор барча каттакичик ташкилотлар, расмий ва ижодий жамоалар тиним билмай ишлаяпти. Хусусан, бизнинг санъатшунослик институти ҳам бу улкан тадбирга ҳисса қўшмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

● *ФАРҒОНА*

САНЪАТКОРЛАР... КАМЧИҚ ДОВОНИДА

Республикамиз марказини водий билан боғловчи Тошкент — Қўқон йўли қурилишида-Камчиқ довонида Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари бунёдкорлари фидокорона меҳнат қилишяпти.

Яқинда фарғоналик бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар қурувчилар ҳузурида бўлишди. Тўлқинжон Ҳайдаров, Каримжон Исоқов, Муборакхон Эгамбердиева сингари санъаткорларнинг дилтортар қўшиқлари, Садбархон Азимова, Иродахон Аҳмедова сингари раққосаларнинг нозик хиромлари, айниқса, йўлсозларда катта таассурот қолдирди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, шоирлар Исмоил Маҳмуд ва Энахон Эркабоева ўзларининг ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

● *САМАРҚАНД*

НУРОБОД МАРМАРИНИНГ ЖИЛОСИ

Бугун Нуробод мармарини таърифлаб ўтиришга зарурат бўлмаса керак. Тошкент ва Термиз, Навоий ва Самарқанд каби шаҳарларда қад кўтараётган ўнлаб бинолар айнан шу ашёдан жило топмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси ишчи-хизматчилари 1992 йилда илк бор бу табиий бойликни қазиб олиш ва ундан биноларни безашда ишлатиладиган мармар тахтачалар тайёрлашга киришган эди. Бугунги кунда фақат «Жом-2» конининг ўзида ойига 1200 куб метр мармар қазилмоқда. Чингали конидан олинаётган бундай қимматбаҳо тош миқдори эса ундан-да кўпроқ.

Кончилар эндиликда ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам йўлга қўйишаётир. Чунки Нурободда тайёрланаётган мармар тахтачалар жаҳон стандарти талабларига жавоб бера олади. Шу мақсадда Италия ва Россиядан келтирилган ускуналарни ўрнатишга тараддуд кўрилмоқда.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УШБУ СОНДА:

2-бет
БУ — ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА!

3-бет
МУКАММАЛ БЎЛСИН

4-бет
ЮЛДУЗЛАР БИЛАН ЗИЙНАТЛАНГАН ШАҲАР

БУ – ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА!

Асакадаги биринчи ўзбек автомобиль корхонасининг маҳсулотларини «Давра столи» қатнашчилари шундай баҳоладилар

«ЎзДЭУавто» корхонаси ишга туширилганлигининг бир йиллиги олдидан «ЎзАвтосаноат» акционерлик жамияти 15-17 июль кунлари Тошкентда МДҲ мамлакатлари бўйича савдо дилерлари семинарини ташкил этди.

Биз семинар иштирокчиларидан бир гуруҳини «Давра столи»га таклиф қилиб, уларга газетхонларимизни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдик.

Азамат ЗИЁ: Одатда байрам арафасида босиб ўтилган йўлга бир назар ташланади. Шундай эмасми, Қудрат Раҳматович?

Қ. Р. ПАРПИЕВ («ЎзАвтосаноат» АЖ раиси): Биласизми, халқимиз тарихидаги биринчи «ЎзДЭУавто» автомобиль корхонасининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ва «ДЭУ» гуруҳи раҳбари иштирокида Асакада тантанали равишда очилгани ҳаммамизнинг ёдимизда турибди. Ҳозир мазкур корхонада ишлаб чиқариш жараёни муваффақиятли давом этмоқда. 1996 йил дастури тўлиқ уддаланган. Яъни, 26 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилиб, харидорларга сотилди. Бу йил эса бизнинг режамизда 105 мингдан зиёд автомобиль тайёрлаш кўзда тутилган. Бугунга келиб завод қиймати 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Дарвоқе, қисқа муддат -- бир йил ичида муҳандис-техниклар таркиби шакллантирилиб бўлинди. Уларга Жанубий Кореядан келган оз сонли гуруҳ кўмаклашяпти. Кореялик мутахассислар сони дастлаб 300 киши эди. Ҳозир 24 киши қолди, холос. Ҳозир Жанубий кореялик мутахассислар сонини кескин камайтиришимизнинг боиси аниқ. Бизнинг миллий мутахассисларимиз ўтган қисқа давр мобайнида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳадисини олиб, малакали мутахассис даражасига эришдилар.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бош йўналиши -- автомобилларнинг ўз мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам сотилиши ҳисобланади. Шу ўринда мен куни кеча Тошкентда МДҲ мамлакатлари бўйича савдо дилерлари (воситачилари) иштирокида ўтказилган семинар-кенгашнинг муҳимлигини таъкидламоқчи эдим. Дарвоқе, бугунги суҳбатимизда Россия ва унинг минтақаларидаги машҳур автомобиль компаниялари вакиллари иштирок этишяпти.

Азамат ЗИЁ: Қудрат Раҳматович, мен сизнинг «ЎзДЭУавто»да маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнлари тўлиқ йўлга қўйилганлиги ва корхона мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб бораётганлиги ҳақидаги фикрларингизга тўлиқ қўшиламан. Бироқ бу ерда маҳсулотнинг сотилиши масаласига ўтишдан олдин мен Шуҳрат Фаттоҳовичдан янги корхонанинг ички тузилиши, унинг технологик жиҳатдан таъминланганлиги ва муҳандис-техниклар таркиби ҳақида тўлиқроқ гапириб беришни илтимос қилмоқчи эдик.

Ш. Ф. ЮСУПОВ («ЎзДЭУавто» АЖ бош директори): Тўғрисини айтганда, ўтган бир йил бизнинг ишлаб чиқаришимиз учун барқарорлаштириш йили бўлди. Биз ундан муваффақиятли ўтдик. Маҳсулот сифати яхшиланиб, ниҳоятда мураккаб технология созланиш жараёнини босиб ўтди, ташкилий масалалар ҳал этилди. Биз ўта яхши тайёрланган ва бир-бири билан ҳамжиҳатликда ишлай оладиган икки сменали ишлаб чиқариш жамоасини таркиб топдирдик. Айни чоғда биринчи йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифати кўрсаткичларининг лойиҳадаги даражасига эришдик.

Азамат ЗИЁ: Заводда ҳозир қанча киши меҳнат қилаяпти?

Ш. Ф. ЮСУПОВ: Бизда иккита жамоа мавжуд. Биринчиси Асакада ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 4 минг нафар кишидир. Уларнинг 500 нафари ҳозир Жанубий Кореяда малака оширяпти. Аниқроғи, малака ва билимни ошириш жараёни давом этмоқда. Бундан ташқари, биз ҳозир Жанубий Кореядаги дўстларимизга ўз мутахассисларимиз билан ҳам кўмак беряпмиз.

Иккинчи жамоа қарийб 3 минг киши атрофида бўлиб, улар, асосан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш, хизмат кўрсатиш ва маркетинг билан шуғулланишяпти. Ҳозирги пайтда, айтиш мумкинки, маълум даражада хорижий сотув тармоқларимиз ҳам вужудга келтирилган. Бу тармоқлар ўз мамлакатларида ўзбек автомобилини сотиш билан машғул бўлишади.

Азамат ЗИЁ: Албатта, автомобилларимизнинг юқори сифати ҳақида ишлаб чиқарувчилар томонидан яхши гаплар эшитиш биз учун ёқимлидир. Шу билан бирга, ҳақиқий баҳони, барибир, бозор белгилайди. Айнан бозорда у ёки бу маҳсулотнинг қандайлиги аниқланади. Шу ўринда, Юлий Анатольевич, Сизга битта саволим бор эди: бизнинг автомобилимиз сизларга маъқул келяптими?

Юлий Анатольевич ДУБОВ («Лого ВАЗ» АЖ бош директори): Келинг, яхшиси, мен аввал ушбу лойиҳа ҳақидаги фикрларим билан ўртоқлашай. Менимча, бу лойиҳа ўз маҳсулотидан кўра муҳимроқ. «ЎзДЭУавто» лойиҳасининг бир қатор ижобий жиҳатлари борки, у айнан шу жиҳатлари билан Россия бозорини эгалламоқда. Мен бу ерда ҳозир Россия бозори ва унга «ЎзДЭУавто» маҳсулотларининг кириб бориши ҳақида айтаяпман. Биринчидан, у кенг миқёсли ўта замонавий ишлаб чиқариш корхонасидир. Иккинчидан, мазкур корхона қўплаб ва катта ҳажмда автомобиль ишлаб чиқариш қудратига эгадир. Қудрат Раҳматович 26 минг ва 105 минг рақамларини тилга олди. Маълумки, завод тўлиқ лойиҳа қуввати билан ишласа, йилига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Фикримча, агар Шуҳрат Фаттоҳович бу рақамни 200 мингта етказиш пайига тушса, корхона буни ҳам эплаши турган гап. Очиғини айтганда, «ЎзДЭУавто» бизнинг бозорда жиддий рақобатбардош корхона ҳисобланади. Учинчидан, мазкур автомобиллар сифати бизнинг мижозларимизнинг барча талабларига тўлиқ мос келади. Ва, ниҳоят, тўртинчидан, «ЎзДЭУавто» корхонаси Россиядан ташқаридаги барча автомобиль ишлаб чиқарувчилар орасида ўзига хос имтиёзли имкониятларга эга. Яъни, у ўз маҳсулотларини Россияга МДҲ мамлакатлари ўртасида имзоланган битимлар асосида экспорт қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу тўртта муҳим омил «ЎзДЭУавто»га автомобиль бозорида стратегик ташаббусни бериб турибди. Заводнинг экспорт дастури тақдири мана шу стратегик ташаббусдан «ЎзДЭУавто»нинг қандай фойдаланишига ҳам боғлиқдир.

Азамат ЗИЁ: Ушбу масала юзасидан суҳбатимиз бошқа иштирокчиларининг фикрини билиш биз учун қизиқарлидир.

Вадим Васильевич КАБАНОВ («Уралмоторс» АЖ бош директори, Екатеринбург): Дарҳақиқат, бугунга келиб бизнинг бозоримизда истеъмолчи хоҳлаган барча кўрсаткичларга эга бўлган ўзига хос автомобиль ҳам шудир. У МДҲ мамлакатларида ўз сифати ва унчалик юқори бўлмаган баҳоси билан биринчи навбатда харидорини топди ва топмоқда. Бу -- жуда муҳим.

Геннадий Алексеевич ТУРКИН («Золотое руно» компанияси АЖ бош директори, Москва): Менинг фикримча, Россия бозорида «Тўққиз» сериясида чиқарилаётган «Жигули» билан рақобат қила оладиган автомобиль пайдо бўлди. Бизда «06»дан кейин «09» яхши машина деб ҳисобланади. Бозоримизда эса «ЎзДЭУавто» айнан шунга ўхшаш моделни, мен бу ерда «Нексия»ни кўзда тутаяпман, тавсия этмоқда. «Нексия» бу ерда мана шу босқични босиши ва биринчи қаторни эгаллаши мумкин. Ушбу машинани жуда яхши сотса бўлади.

Геннадий Александрович БУБЛИК («Куан» АЖ бош директори, Санкт-Петербург): Авваламбор, мен Асака заводига ташрифим чоғида олган таассуротларим билан ўртоқлашмоқчиман. Ўзбекистон қисқа муддат -- икки йил ичида ўта замонавий автомобиль саноатини йўлга қўйганлиги билан мағрурланиши лозим ва керак. «ЎзДЭУавто» автомобиллари бугунги куннинг ўзидаёқ рақобатбардошлиги билан шуҳрат қозонмоқда. Гап шундаки, харидорлар «ЎзДЭУавто» машиналарини Россиянинг «09» ёки «99» лари билан эмас, балки «Форд», «Хондо» каби дунёга машҳур автомобиллар билан солиштириб кўрмоқдалар. Биз харидорларимизга ўзбек автомобилларининг юқори сифати ва барча имкониятларини тушунтириб беришимиз керак. «Тико» ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Санкт-Петербург бозорларида «Тико» иккинчи оилавий автомобиль сифатида оммалашмоқда. «Нексия», «Эсперо» харид қилган харидор бироз вақт ўтгач, қайтиб келиб, рафиқаси ёки қизи учун «Тико» олмоқда. Чунки бу автомобиль ихчам, енгил ва иқтисодий жиҳатдан жуда тежамлидир. «Дамас» ҳозирча Санкт-петербургликлар учун ғаройиб кўринмоқда. Бизнинг мўлжалларимиз бор: соғлиқни сақлаш, алоқа хизмати тармоғидагилар ушбу модель билан қизиқиб қолишса, ажаб эмас.

Азамат ЗИЁ: Бундай заводни арзимаган икки йил ичида қуриб битириш тажрибаси сизнинг фаолиятингизда учраганми?

Ю. А. ДУБОВ: Мен автомобилсозлик бўйича эксперт эмасман, аммо ҳаётий тажрибамда бундай воқеани учратмаганман.

Азамат ЗИЁ: Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: МДҲ давлатларида автомобиль корхоналари қурилиши ва автомобиль ишлаб чиқариш қай аҳволда?

Ю. А. ДУБОВ: Менимча, бу борада ишлар МДҲнинг барча мамлакатларида ҳам оғир кечмоқда. Қандайдир лойиҳалар бўйича қаерлардадир дадил иш олиб борилаётганини эслолмайман. Виборгдаги «АвтоВАЗ» «Опел» билан ҳамкорликда катта қурилиш бошлашни режалаштирганди. Аммо бу иш ҳамон режалигича турибди. Шу йил май ойида Калининградда қурилган «Киа-Балтика» заводи билан шартномалар имзоладик. Улар билан бирга ишлаш ниятидамиз. Лекин Калининград заводидаги ишлаб чиқариш Асакада кўрганларимиздан мутлақо фарқ қилишини айтишим керак. Украинада ҳам «ДЭУ» билан қандайдир музокаралар олиб бориляпти, шекилли. Аммо ҳозирча у ёқда ҳам қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти.

Азамат ЗИЁ: Қозоғистонда ҳам автомобиль заводи қурилади, деб эшитган эдик...

Қ. Р. ПАРПИЕВ: Юлий Анатольевич айтиб ўтганларидек, режалар, хоҳишлар бор. Ҳақиқатан ҳам матбуотда Қозоғистонда автомобиль заводи қурилиши хақида хабарлар берилган. Бироқ бу мақсадлар ва режалар ҳозир қандай аҳволда эканлигидан мен ҳам, россиялик ҳамкасбларим ҳам бехабармиз. Бироқ фурсатдан фойдаланиб айтиб қўймоқчиман: жорий йилнинг июль ойида биз яна учта ишлаб чиқариш тармоғини ишга туширдик. Булар ўриндиқлар, бамперлар ва кўрсаткичлар панели ҳамда салон жиҳозларини ишлаб чиқарувчи корхоналардир. Август ойининг охирларида лак-бўёқ заводини ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Октябрь ойида эса ёнилғи баклари ва тутун чиқаргичлар ишлаб чиқарувчи яна иккита тармоқ фойдаланишга топширилади. Кўриб турганингиздек, бизнинг лойиҳаларимиз ва режаларимизнинг ҳаммаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: автомобилсозликдаги битта ишчи ўрни мамлакат бўйича 4-5 ишчи ўрни очилишига имконият яратаётир. Мен бунда сервис, сотув ва бошқа хизматларни назарда тутяпман. Шуҳрат Фаттоҳович таъкидлаганларидек, «ЎзДЭУавто» корхонасида 8 мингга яқин киши ишлаётган бўлса, «Ўзавтосаноат» тармоғида 16 мингдан ортиқ хизматчи мавжуд. 1998 йилнинг ўрталарига бориб бу рақам икки ҳисса кўпайиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда автомобилнинг таннархини тушириш ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Азамат ЗИЁ: Қудрат Раҳматович «ЎзДЭУавто» маҳсулотининг рақобатбардошлиги масаласини таъкидлаб ўтди. Биз рақобатнинг турли шаклларини борлигини биламиз. Баъзида рақобатлашув жуда кескин тус олади. Шу ўринда «Московский комсомолец» газетасининг шу йил 9 июль сонидаги бир мақолага эътиборингизни қаратмоқчиман. Унинг муаллифи ўзбек автомобиллари Россияда муваффақият қозонмаяпти, деб ёзади. Келинг, яхшиси, ўша мақоладан бир жумла келтирайлик: «Автомобиль сифатли йиғилмаган. Йўл-йўлакай ғилдираклари, эшиклари ва таги тушиб кетади. Шу боисдан йўл-транспорт ҳодисалари кўпайиб, бу ҳол машинанинг нархини кескин тушириб юбормоқда». Буни қандай тушуниш мумкин? Ҳақиқий аҳволни билмасликми ёки рақобатчиларнинг найрангларими?

Ю. А. ДУБОВ: «Московский комсомолец» мухлислари кўп бўлган жуда машҳур газета. Аммо бу газетанинг ўзига хос бир томони бор. Уни кўплар ўқишади. Аммо мен билган эътиборли одамлар ушбу газетада ўқиганларини ўз давраларида муҳокама қилишга уялишади. Чунки ушбу матбуот органида юқоридагига ўхшаб ҳақиқатга тўғри келмайдиган мақолалар тез-тез босилиб турилади. Қандоқ қиламиз? Газетанинг бўлгантургани шу. Мен ушбу мақолани тайёрлаган мухбирнинг маҳорати, савияси паст, деб айтишдан ҳам ўзимни тияман. Қолаверса, Россиядаги бошқа матбуот органлари қатори «Московский комсомолец» ҳам буюртма мақола босишдан тортинмаслигини кўп эшитганман. Аслида бу муҳим эмас. Бундай мақолаларга биздагидек муносабатда бўлганингиз маъқул. Хоҳласангиз ўқинг, аммо одамлар орасида муҳокама қилманг.

Азамат ЗИЁ: Фикрингизга тўлиқ қўшиламан. Аммо мени бошқа нарса ўйлантиради. Миллионлаб нусхада тарқаладиган газета, назаримда, олийжаноб мақсадларга хизмат қилиши керак. Лекин ушбу сатрларни ўқиганда, миллатнинг нафсонияти оғримайди, деб ким айтади; «Ўзбеклар фақат қўй боқишни биладилар, холос. Улар ҳатто гайкани ҳам тескари бурайдилар. Шу боисдан биринчи машиналардан фақат эҳтиёт қисмлар сифатида фойдаланилди». Геннадий Александрович, сиз ва сизнинг ҳамкасбларингиз Асака заводи цехларида бўлиб, бизнинг йигит-қизларимиз (эътиборингиз учун, бу ерда ўзбеклардан бошқа миллат вакиллари ҳам ишлашади) қандай ишлаётганликларини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Газетадаги гаплар Асакада кўрганларингизга тўғри келадими, йўқми?

Г. А. БУБЛИК: Бугун заводда бўлганимизда, ўзимизни хорижий корхоналарда юргандек ҳис қилдик. Дарҳақиқат, биз ҳозир хориждамиз. Цехлардаги ишнинг аниқ маромии, корхона ҳовлисидаги озодалик бизни ҳайратга солди. Корхона юксак технология билан қуролланган. Мақола ҳусусига келсак, унинг муаллифлари ҳеч қачон бундай мўъжизавий корхонани тушларида ҳам кўрмаганлар. Назаримда, уларнинг мақсадлари корхона фаолиятига оқилона баҳо бериш ҳам эмас. Мақолани кимнингдир жиғига тегиши лозим бўлган буюртма материал десак, тўғри бўлади.

Азамат ЗИЁ: Бундай мақолалар «ЎзДЭУавто» маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи воситачилар манфаатларига ҳам путур етказади, шундай эмасми, Геннадий Алексеевич?

Г. А. ТУРКИН: Аввал завод ҳақидаги мулоҳазаларимни айтай. Корхонанинг бутун жамоаси ёш ва куч-қувватга тўла. Конвейерларда ишлаётганлар эса деярли бир хил ёшдаги йигитлардир. Тенгдошлар билан ёнма-ён ишлаш қандай ёқимли! Маҳсулот сифати ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Чунки завод технологияси жаҳондаги энг сўнгги ютуқлар асосида қурилган. У жаҳон стандартларига жавоб беради. Шу боисдан ҳам конвейердан энг юқори сифатли машиналар чиқмоқда. Мақола хусусида эса фикрим шундай: у жиддий муҳокама қилишга арзимайди. Маслаҳатим шундай: бизнинг сўзларимизга ишонмаган одамлар ушбу машиналарни сотиб олиб, ҳайдаб кўрсинлар. Ўшанда изоҳга ҳожат қолмайди.

Ю. А. ДУБОВ: Келинг, бу кўнгилни ранжитадиган мавзуга якун ясайлик. Ўша мақолани Москвада яшайдиган одам ёзган. Мен эса унинг учун сизнинг ва ана шу мақолани ўқиган барча юртдошларингизнинг олдида кечирим сўрайман. Бундай мақолалар бошқа бўлмайди, деб умид қиламан.

Азамат ЗИЁ: Дарҳақиқат, изоҳнинг ҳожати йўқ. Ўзбек автомобиллари Россия бозорига шаҳдам кириб бормоқда. Суҳбатимиз сўнгтида меҳмонларимиздан мамлакатимиз ҳақидаги ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қиламан.

Г. А. БУБЛИК: Олиб борилаётган улкан қурилиш, озодалик ва тартиб-интизомдан ҳайратга тушдик. Одамлар тинч, осойишта ҳаёт кечиришмоқда, уларнинг юзида самимият барқ уриб турибди. Шаҳардаги тарихий обидаларга бўлган эътибордан таъсирландик.

Г. А. ТУРКИН: Тошкентда биринчи бор бўлишим. Шарқнинг энг ёрқин бўёқларини шу ерда кўрдим. Агар мендан «Ўзбекистонда яшашни хоҳлайсанми?» деб сўрашса, ўйлаб ўтирмасдан, «Ҳа», деб жавоб берардим. Одамларнинг меҳмондўстлиги бизни мафтун этди.

В. В. КАБАНОВ: Тошкентда бундан саккиз йил аввал бўлгандим. Ҳозир унинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетибди. Кенг қамровли қурилишлар, кўчалар ва хиёбонларнинг озодалиги, саранжом-саришталиги, тартиб-интизом ҳайратга солади кишини. Энг муҳими, одамлари, худди аввалгидек, ғоят самимий. Бу -- жуда муҳим.

Азамат ЗИЁ: Ташаккур. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, оилангизда тотувлик ва ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Азамат ЗИЁ.

● *Корхонада 1996 йил дастури тўлиқ уддаланди. Яъни 26 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилиб, харидорларга сотилди. Бу йил эса 105 мингдан зиёд автомобиль тайёрлаш кўзда тутилган.*

● *Бизнинг миллий мутахассисларимиз ўтган қисқа давр мобайнида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳадисини олиб, малакали мутахассис даражасига эришдилар.*

● *Цехлардаги ишнинг аниқ маромии, корхона ҳовлисидаги озодалик кишини ҳайратга солади. Корхона юксак технология билан қуролланган.*



ШОДАЛАР ИЧРА БИР МАРЖОН

Пойтахтлик ҳар бир киши Курант ёнидаги эски «Буратино» қаҳвахонасини яхши билади. Аммо ҳозир бу ерга келган одам унинг ўрнида янги ҳашаматли бино — таомхона қад ростлаганини кўриб, «Адашиб қолмадим-микан?» дея ўйлаши муқаррар.



Бу табиий ҳол: Зеро, кейинги йилларда Тошкент қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Янги-янги турар жойлар, маъмурий бинолар, меҳмонхоналар, музейлар, ёўллар, ресторан ва қаҳвахоналар барпо этилдики, «Шодалар ичра бир маржон» деганларидек, буларнинг бариси шаҳар кўркига-кўрк қўшмоқда. «Истаравшан» корхонаси -- шулардан бири. «Тошуйжойлойиҳа» институти ходимлари тайёрлаган лойиҳа асосида уни хоразмлик ганч ўймакорлиги бўйича уста Қадамбой Ортиқов бошлиқ бригада бунёдкорлари безамоқдалар. Ҳозирча 100 ўринли замонавий зал хўрандаларга хизмат кўрсатмоқда. Тез орада миллий ва ёзги заллар ҳам фойдаланишга топширилади. Шунда 35 киши иш билан таъминланади. Айни чоғда бу ерда 14 хилдаги қандолатчилик маҳсулоти ва миллий нонлар тайёрланмоқда.

СУРАТЛАРДА: ***«Истаравшан» корхонасининг умумий кўриниши; ишга туширилган янги зал; қандолатчи Н. Бетиева.***

Т. КАРИМОВ олган суратлар.

● *ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА*

МУКАММАЛ БЎЛСИН

Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳаси халқ оммаси томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Бу, шубҳасиз, жамиятимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим амалий тадбирлардан биридир. Зеро, ҳуқуқий давлатчилик соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун, энг аввало, қонунларимиз пухта ва мукаммал бўлиши лозим.

Фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳасига келсак, унинг матнини тайёрлашда ҳаётимизда юз бераётган туб ўзгаришлар моҳиятидан келиб чиқилганлиги кўриниб турибди. Айни вақтда лойиҳанинг баъзи модда ва бандларида такомиллаштиришга муҳтож ўринлар ҳам йўқ эмас. Қуйида ана шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Аввало, 394 моддадан иборат янги Фуқаролик кодекси амалдаги кодексга нисбатан ихчам ва ҳозиржавоблиги билан ажралиб туришини таъкидлаш лозим. Бу эса ҳуқуқшунослар ишини енгиллаштиради. 13-моддада Суд томонидан масалаларни ҳал қилишда озчилик томонда қолган судья ўзининг алоҳида фикрини баён қилишга ҳақли, «Унинг бу фикри ишга қўшиб қўйилади, бироқ эълон қилинмайди», деб кўрсатилган. Лекин кейинчалик ана шу фикр қандай кучга эга бўлиши ҳақида сўз юритилмаган. Бу ўринда масалага аниқлик киритилиши лозим, деб ўйлаймиз. Чунки ҳар бир ишни адолатли кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш судьядан катта масъулият талаб этади.

Амалдаги кодекснинг 41-моддасига мувофиқ, ишга тиклашга оид масалалар бўйича суд ўз ташаббуси билан тегишли мансабдор шахсни жавобгар томондан учинчи шахс сифатида ишда қатнашишга жалб қилиши мумкин. Янги кодекс лойиҳасида эса бундай ҳол кўзда тутилмаган. Бизнинг фикримизча, лойиҳа матнига шу жумла киритилса, айни муддао бўлар эди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 274-моддасида етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим, деб кўрсатилган. Бундай ҳолда меҳнат қонунлари талаби Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиқиши даркор, албатта. Яна бир мулоҳаза. Лойиҳанинг 105-модда, 2-бандида «Даъвонинг қиймати мулк талаб қилиш тўғрисидаги даъволар -- «қидирилаётган» мулкнинг қийматига қараб белгиланади», дейилган. Бу ўринда «қидирилаётган» эмас, балки «талаб қилинаётган» жумласини қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, лойиҳанинг 147-моддасида «Алимент ундириш, майиб бўлганлик ва соғлиққа зарар етказганлик, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволарга дахлдор жавобгарлар суд орқали қидирилиши» кўрсатилган. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги вақтда мулкий даъволар кўпаяётганлигини эътиборга олиб, янги матнда энг кам иш ҳақининг 50 бараварига тенг мулкий даъволар бўйича ҳам жавобгарга қидирув эълон қилиниши кўзда тутилса, ишимиз анча енгиллашарди.

Қонунлар -- жамият кўзгуси. Уларнинг мукаммаллиги суд амалиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Янги Фуқаролик-процессуал кодексини жамоатчилик ҳукмига ҳавола этишдан мақсад ҳам шу аслида. Демоқчимизки, баҳс-мунозаралар жараёнида «пишган» қонуннинг зуваласи мустаҳкам бўлиши, шак-шубҳасиздир.

М. БОЗОРОВА,
Бухоро вилоят суди раиси ўринбосари.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

АПЗОН

- ЖКТ катогенларига танлаб таъсир этадиган восита;
- кенг спектр,резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан

1 серхан ажданта фарма дицнитед

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Қўмитаси жамоаси молия вазири ўринбосари -- Қўмита раиси Дилшод Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси

ХОТИМА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси раҳбарияти ва жамоаси бўлим бошлиғи Ҳусан Аҳмедовга онаси

Барнохон АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мулкдор»газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг масъул котиби Улуғбек Юсуповга волидаи муҳтарамаси

Мастура ЮСУПОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ДУШАНБА, 21

I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан 21 июль душанба куни ЎзТВ-I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ-III канали орқали намойиш этилади.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.18.00 Янгиликлар.18.10 «Ғаройиб саёҳат», «Ҳурматталаб алвасти». Мультфильмлар.18.30 «Қуёши кулган боғ».18.50 «Қизилқумцемент» ҳақида қисса». Телеочерк.19.05 Мавлуда Ойнақулова куйлайди.19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот». (рус тилида).19.50 Эълонлар.19.55 Биржа ва банк хабарлари.20.10 Оқшом эртаклари.20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Эълонлар.21.00 Буюк келажак сари. 21.20 «Умрбоқий тароналар».21.35 Тўфон Минуллин. «Алла». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.23.10 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Виждон». Телесериал. 13-серия.23.55 Эълонлар.24.00 «Ахборот».00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.18.05 Кундалик.18.15 Эълонлар.18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.18.35 «Сув ости дунёси».19.20 «Спорт қитъаси».19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот» (рус тилида).19.50 Эълонлар.19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.21.10 Кинонигоҳ.22.00 Кундалик.22.05 «Спорт қитъаси».23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.23.55—00.05 Кундалик.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Куйла, дуторим». Фильм-концерт.8.55 «Бир ўлка-ки...»9.20 «Пардали гап».10.00 Янгиликлар.10.05 Тўлқин. «Қайнар ҳумча». Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.11.00 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.11.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.12.00 Болалар учун фильм. «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?»13.20 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 17.20 — 20.30

*

20.30 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.21.35 «Канизак Изаура». Телесериал.22.05 «Тошкент фавворалари». Манзарали фильм.22.15 «Уч қалб эгаси». Бадиий фильм, 5-серия.23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Курсатувлар тартиби.18.50 «Мультқарусель».19.05 Эълонлар.19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.19.35 «Дидар».20.05 «Жаҳон»20.25 «Сўз — сизга».20.40 «Авторейд».20.50 «Фариштам».21.15 «Ракурс».21.45 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».22.05 Эълонлар.22.10 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.23.00 «Спорттайм».23.30 — 23.40 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.8.35 «Умрбоқий тароналар».8.55 Биржа ва банк хабарлари.9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Беллашув».9.15 «Виждон». Телесериал. 13-серия.10.00 Янгиликлар.10.05 «Нуроний». Тележурнал.Ўқув кўрсатувлари:10.30 «Абитуриент—97» Адабиёт.11.00 Инглиз тили.11.30 Болалар учун «Оромгоҳлар қўйнида».11.55 «Сиз сўраган эдингиз?» Телетомошабинлар мактубларига шарҳ.12.25 Тўфон Минуллин. «Алла». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.14.00 Янгиликлар.14.05—15.25 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.18.00 Янгиликлар.18.10 «Жонсарак». Мультфильм.18.20 «Табиат алифбоси».18.35 Эстрада концерти.19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот» (рус тилида).19.50 Эълонлар.19.55 «Шеър ва шуур». Адабий кўрсатув.20.10 Оқшом эртаклари.20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Эълонлар.21.00 «Буюк келажак сари». «Тўртинчи ҳокимият».21.20 «Катта ашула». 1-кўрсатув.22.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Навбаҳор» (Наманган). Ёзиб олинган.23.25 Эълонлар.23.30 «Ахборот».23.55 «Япония ҳақида ҳикоялар».00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.18.05 Кундалик.18.15 Эълонлар.18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.18.35 «Палитра».18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»19.10 «Олтин кент».19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот» (рус тилида).19.50 Эълонлар.19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.21.05 Кинонигоҳ.22.50 Кундалик...22.55 «Акс»23.15 «Спорт қитъаси»23.45 «Ишбилармонлар ҳафтаси».24.00—00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.30

*

20.30 «Сумалак» болалар фольклор ансамблнинг концерти.

*

Россия давлат телевидениеси.21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.21.40 «Товус малика». Бадиий фильм (Хитой).23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Курсатувлар тартиби.18.50 «Мультқарусель».19.05 Эълонлар.19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.19.35 «Палитра».20.05 «Жаҳон».20.25 «Сўз — сизга».20.40 «Авторейд».20.50 «Фариштам».21.15 «Ракурс».21.45 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».22.05 Эълонлар.22.10 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.23.00 — 23.10 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.8.35 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Салима Хўжаева.8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».9.15 «Виждон». Телесериал. 14-серия.10.00 Янгиликлар.10.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зебо, Зиёда ўйнар».**Ўқув кўрсатувлари:**10.30 «Абитуриент—97». Физика.11.00 «Алифбо сабоқлари».11.30 «Қизиқарли учрашувлар». Анвар Обиджон.12.00 «Талаб ва таклиф».12.20 «Тирранча». Бадиий фильм.14.00 Янгиликлар.14.05 — 14.55 «Мерос». Замахшарий. Бадиий-публицистик кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.18.00 Янгиликлар.18.10 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида».18.25 «Оламни асранг».18.50 «Шарқ тароналари».19.05 «Ранглар жилоси».19.25 «Ахборот» (рус тилида).19.50 «Юзма-юз».20.10 Оқшом эртаклари.20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Эълонлар.21.00 «Парламент соати».21.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ байрами.21.50 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.22.10 «Вазият». Публицистик кўрсатув.22.25 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар.22.55 «Ватанни севмоқ иймондандур...»23.25 Эълонлар.23.30 «Ахборот».23.55 «Олам ва одам».00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультипанорама».9.20 «Синфдош».9.45 «Мусиқа салтанати».10.10 «Жараён».10.20 «Даллас». Телесериал.11.10 «Таквим».11.25—13.00 «Видео-О».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.18.05 Даракчи.18.15 Эълонлар.18.20 «Кўзмунчоқ».18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.18.50 «Бир жуфт қўшиқ».19.00 «Билиб қўйган яхши».19.10 «Сир».19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот» (рус тилида).19.50 Эълонлар.19.55 «Дубляж».20.10 «Мутойиба».20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Эълонлар.21.00 «Иймон».21.25 Мумтоз наволар. «Муножот».21.50 Эълонлар.22.00 «Кино жавонидан». 23.30 — 23.40 Даракчи.

III

17.10 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.6.30 — 8.00

* * *

17.15 — 20.30

*

20.30 «Туғилган кун», «Сахий эртак». Мультфильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси.21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.21.35 «Пеликан» ўлими». Бадиий фильм.23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».19.00 Эълонлар.19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.19.55 «02 тўлқинида».20.10 Эълонлар.20.15 «Эльдорадо». Телесериал.20.45 «Каталог».20.55 «Голливуднинг ажаб товур ўйинлари». Сериал.21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.21.55 «Компьютер-ревю».22.10 «Интерспорт».22.20 «Эллада».22.50 «Айчурэк».23.20 — 23.30 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ байрами.8.50 «Юзма-юз».9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нишона».9.20 ЎзТВ хазинасидан. Тавфиқ ал-Ҳаким. «Изҳор» Теленовеллар.10.00 Янгиликлар.10.05 «Ботма, куёш». Публицистик кўрсатув.Ўқув кўрсатувлари:10.30 «Абитуриент-97». Кимё.11.05 «Ассалом, япон тили!». 11.45 «Уч бақало». Бадиий фильм.13.10 «Санъат усталарининг концерти».14.00 Янгиликлар.14.05 — 14.35 Ўсмирлар учун. «Оқ йўл!».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.18.00 Янгиликлар.18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».18.35 «Ғазалхон ёшлигим».19.00 «Қалб гавҳари». Адабий-маърифий кўрсатув.19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот» (рус тилида).19.50 Эълонлар.19.55 «Ой элнинг олтини».20.10 «Оқшом эртаклари».20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Эълонлар.21.00 «Иқтисод алифбоси».21.25 Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов номидаги Республика ёш хонандалари I кўрик-танлов ғолибларининг концерти.22.00 Хива-2500. «Меҳр макони».22.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим мўъжизалари». I-кўрсатув.22.40 «Виждон». Телесериал. 15-серия.23.25 Эълонлар.23.30 «Ахборот».23.55 «Муҳаббат ва эрк». Киноконцерт.00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Кўзмунчоқ».9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.9.30 «Бир жуфт қўшиқ».9.40 «Билиб қўйган яхши».9.50 «Сир».10.05 «Дубляж».10.20 «Мутойиба».10.35 «Иймон».11.00 Мумтоз наволар. «Муножот».11.20—13.00 «Кино жавонидан».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.18.05 Даракчи.18.15 Эълонлар.18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»18.35 «XXI аср авлодлари».18.55 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».19.05 «Пойтахтдан узоқроқда».19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот» (рус тилида).19.50 Эълонлар.19.55 «Эртага — шанба».20.05 «Эгиз қўшиқлар».20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Эълонлар.21.00 «Ривоят».21.10 «Ҳуш келибсиз». 21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.21.40 «Кинонигоҳ».23.15 «7 дан 70 гача».23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.00.25 — 00.35 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 21.30

*

21.30 «Мусиқа ҳамма учун».

*

Россия давлат телевидениеси.22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.22.35 «Канизак Изаура». Телесериал.23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида)

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.18.45 «Мультқарусель».19.00 Эълонлар.19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.19.30 «Умид чечаклари».19.50 «Бу бўстон аро».20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».20.50 Эълонлар.20.55 «Эльдорадо». Телесериал.21.25 «Йўлингиз бехатар бўлсин».21.50 «Латофат».22.20 «Палитра».22.35 «Шаҳрим — фахрим».23.00 «Жума куни, ишдан сўнг».23.30 Араб эстрадаси.23.55 — 00.05 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.8.35 Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов номидаги Республика ёш хонандалари I кўрик-танлови ғолибларининг концерти.9.15 «Виждон». Телесериал. 15-серия.10.00 «Яшил чирок». Телемусобака.10.40т «Ҳаёт сабоқлари». Маърифий кўрсатув.11.15 «Мулкдор». Бўзлик Набижон Аскаровнинг ғаройиб ишлари ҳаёти ҳақида телеочерк.12.30 «Клин». Бадиий фильм.12.55 «Маънавият». Тележурнал.13.55—15.40 ЎзТВ хазинасидан. «Гул ва Наврўз». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. .

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.18.00 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильм.18.10 «Шу Ватанга бордир менинг керагим...»18.35 «Йигит омон бўлса».18.55 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар.19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот» (рус тилида).19.50 Оқшом эртаклари.20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Эълонлар.21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.21.30 «Азиз сиймолар». Ўзбекистон халқ артисти Воҳид Қодиров.22.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».**Тунги ёғду». Дам олиш дастури:**23.05 «Жаҳон киноси юлдузлари».23.25 Туркон Шарой. «Маҳбус» фильмида.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».9.15 «XXI аср авлодлари».9.35 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».9.45 «Пойтахтдан узоқроқда».10.05 «Эгиз қўшиқлар».10.25 «Ривоят».10.35 «Ҳуш келибсиз».10.55 «Кинонигоҳ».12.25—12.45 «7 дан 70 гача».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.18.05 «Даракчи».18.15 Эълонлар.18.20 «Боланинг тили».18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.18.50 «Қонун ҳимоясида».19.00 «Дилором наволар».19.25 Эълонлар.19.30 «Ахборот (рус тилида).19.50 Эълонлар.19.55 «Бизнес-академия».20.10 «Дармон».20.25 Эълонлар.20.30 «Ахборот».20.55 Эълонлар.21.00 «Ханда дўкони».21.20 «Глобус». Телеальманах.21.40 «Даллас». Телесериал.22.30 «Интер-футбол».22.45 Оҳанглар ва Эълонлар.22.50 «Видео-О». Саргузаштлар экрани.00.25 — 00.35 «Даракчи».

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.18.05 — 20.30

*

20.30 Эълонлар.20.35 «Ҳурматли одам». Детектив сериали (Италия) 1-2 серия-лар.22.25 Цирк дастури.23.15 — 23.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зарафшон».

IV

9.00 «Аэробика».9.20 Эълонлар.9.25 «Шанба эртаги».10.25 «Ракслар қанотида».10.55 «Граф Монте-Кристо». Бадиий фильм.13.35 «Изучаем корейский язык».13.55 — 14.50 «Ишингиз бароридан келсин».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».19.00 Эълонлар.19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.19.55 «Шанба оқшомида».20.05 «Аёл».20.25 «Спектаклдан сўнг».20.55 «Биргаликда куйлайлик».21.10 Эълонлар.21.15 «Самодаги олмослар». Телесериал. (АҚШ).21.55 «Тақдирлар».22.20 «Ассалом, Франция!»22.55 «Бу ажиб дунё».23.10 «Хит-коллекция».23.30 — 23.40 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».11.00 «Кувноқ стартлар».11.40 «Ташриф». Дам олиш дастури.12.20 «Мусобақалар, секундлар, очколар».12.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».13.40 «Ўғри ҳам одам». Бадиий фильм.14.45 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.15.05 — 16.05 «Болалигим-пошшолигим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.18.00 «Дунё — болалар нигоҳида». Халқаро кўрик-танлов.18.40 «Куйла, ёшлигим».19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.19.25 Эълонлар.19.30 «Панорама» (рус тилида).19.55 Эълонлар.20.00 «Ҳаёт чашмалари».20.25 Эълонлар.20.30 «Хафтанома».21.00 Эълонлар.21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш концерти.21.35 «Футбол майдонларида».22.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1-2 серия.24.00 Эълонлар.00.05 «Хафтанома».00.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Иқтисодий ислоҳот уфқлари».01.05 — 01.10 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили...»9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.9.30 «Қонун ҳимоясида».9.40 «Дилором наволар».10.00 «Бизнес-академия».10.20 «Дармон».10.35 «Ханда дўкони».10.55 «Глобус». Телеальманах.11.15 «Даллас». Телесериал.12.05 «Интер-футбол».12.20 — 13.55 Видео-»О».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.18.05 «Даракчи».18.15 Эълонлар.18.20 «Мультипанорама».18.40 «Турфа олам».19.00 «Туҳфа».19.10 «Келгуси ҳафтада».19.25 Эълонлар.19.30 «Панорама» (рус тилида).19.55 Эълонлар.20.00 «Бу мунис лаҳзалар».20.25 Эълонлар.20.30 «Хафтанома».21.00 Эълонлар.21.05 «Жараён».21.15 «Даллас». Телесериал.22.05 «Миллионлар ўйини».22.35 «Таквим, оҳанглар, эълонлар».22.50 Видео-»О».00.40 — 00.50 Даракчи.

III

17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.17.30 — 20.50

*

20.50 Эълонлар.20.55 «Ҳурматли одам». Детектив сериали (Италия). 3-4 серия-лар.22.40 — 23.05 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Тонгингиз хайрли бўлсин!»9.30 «Парле ву франсэ?»,10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».11.30 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)11.40 «Киносалон». «Гайритабиий ўйин». Бадиий фильм.14.00 «Подиум».14.20 «Жаглар». Бадиий фильм.16.00 «Шу куннинг мавзуси».16.10 «Сенинг вақтинг».16.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига: «Ўзбекистон — бешинчи давон». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».19.00 Эълонлар.19.05 «Менинг кўчам».19.20 «Мусиқий Олимп».19.40 «Телеташриф».20.00 «Иштирок этувчилар».20.30 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».21.10 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».21.40 Эълонлар.21.45 «Киносалон». «Бразилия». Бадиий фильм.23.45 — 23.55 «Хайрли тун!»

● ХИВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЮЛДУЗЛАР БИЛАН ЗИЙНАТЛАНГАН ШАҲАР

Шарқона одоб таомилига кўра, қадимда улуғ тарихга, ўзига хос сажияга эга шаҳарлар, ўлкалар номига сифатлар, эпитетлар қўшиб тилга олинган: Бухорои шариф, Бухоро -- қуввати исломи дин, Самарқанди мардон, Самарқанд -- сайқали рўйи замин, Тошканди азим, Тошкент -- нон шаҳри, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Қуддуси шариф, Қаъбаи муаззама, Балхи уммул билод, Хоразми Эрамбазм (жаннат базм), Марви шоҳ жаҳон, Ҳўқанди латиф, дилбар Фарғона, Хиваи анжуморо...



Дарҳақиқат, Хиванинг «анжуморо»... (юлдузлар билан зийнатланган) деб сифатланиши бежиз эмас. Хоразм -- қадим-қадимларданоқ Шарқда илм-фан, юксак маданият, дилбар бадиият ва санъат марказларидан бири сифатида донг таратган бўлса, Хива ана шу воҳада юлдуздай нур сочиб, порлаб турган қутлуғ манзил-маъводир.

Бу шаҳарда не-не улуғ зотларнинг, азиз авлиё-атқиёларнинг, шоиру уламо, фозил инсонларнинг хоки-поклари, тирик нафаслари қолган. Дунёни алгебра ва алгоритмдай мукаммал ҳисоб-амалларга ўргатган Мусо Хоразмий, улуғ жаҳоний донишманд Абу Райҳон Беруний, мусулмон оламида машҳур қомусий обида -- «Мифтоҳ ул-улум» («Билимлар калити») асарининг муаллифи Абдуллоҳ ал-Котибий ал-Хоразмий, валитарош мутафаккир шайх Нажмиддин Кубро, ватанпарвар Паҳлавон Маҳмуд, шоҳ ва муаррих Абулғози Баҳодирхон, шоир ва муаррихлар Мунис Хоразмий, Огаҳий, Баёний, илм-фан ва маданият ҳомийси Муҳаммад Раҳимхон Феруз... Мазкур аллома, мутафаккир сиймоларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, тарихий хизматлари кўп жиҳатлар ила мана шу азим шаҳарга чамбарчас боғлиқ. Маълум бўлаётирки, ушбу қутлуғ остона «Хиваи анжуморо» сифатини асрлар оша оқлаб, намоён қилиб келаётган шаҳардир. Хива ўзининг қадимий кўрку салобатини, салоҳиятини, афсонавий хислатларини, халқлараро аҳамиятини ҳали-ҳануз бут сақламоқда. Хива—ҳозир ҳам воҳадаги шеърият марказларидан бири, санъат ўчоғи, туризмнинг энг гавжум манзили. Бу ерда халқ ижодиёти гуллаб яшнамоқда, касб-ҳунар ривожланмоқда. Жумладан, хивалик аёл-қизлар тўқиган гиламларнинг, халқ усталари яратган сопол, чинни идишларнинг, ганчкору ўймакорлар ижодининг шуҳрати жаҳоншумулдир.

* * *

Шу ўринда яна бир эътироф: Хива ва жаҳон сўзларини ёнма-ён талаффуз қилар эканмиз, шаҳарнинг бошқа бир замонавий таърифи ёдга келади -- Хива бутун жаҳонда «музей -- шаҳар» деган ном билан шуҳратланган. Жонажон юртимиз жаҳонга юз тутиб, мустақиллик нашидасидан баҳраманд бўлаётган айни бир даврда, Хива ер юзи сайёҳларининг нигоҳини ўзига мунтазам жалб қилиб турибди.

Бу табаррук заминдаги юзлаб тарихий иншоотлар, мадраса ва миноралар киши тафаккурини чексиз ҳайратларга солади. Муқаддас даҳма ва қадамжолар инсон руҳиятига осойиш ва таскин ато қилади, фоний дунё оқибатларию боқий дунё кароматларидан сабоқ беради. Мамлакатимиз ифтихори бўлмиш Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш ҳақида чиқарилган ҳукумат қарори ватандошларимиз руҳини, айниқса, бухороликлар ва хиваликлар кайфиятини янада кўтариб юборди. Бу бежиз эмас. Демакки, жаҳон халқларининг ҳайрат ва ҳавас тўла кўзлари яна Туронзаминга, жонажон Ўзбекистонимизга тикилади, халқимиз, тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз яна тилларда достон бўлади, мадҳ этилади. Қадимий ва навқирон шаҳарларга кўрк-салобат, мангу жозиба бағишлаган ота-боболаримизнинг иқтидори ва истеъдоди, санъати ва маҳорати яна бир бор жаҳоний эътироф топади.

Хива. Жаҳон маданияти каҳкашонидаги чақноқ юлдуз. Мангу зийнатли юлдуз!

Анжуморо!..

* * *

Албатта, Хива -- улуғ санъат, оташнафас ҳофизлару дилбар шоирлар шаҳри. Замонамизнинг буюк мақомдони Ҳожихон ота мана шу шаҳарда яшаб ижод қилдилар. Даврининг ланж тортган руҳиятига ўт-олов бўлиб чирмашган ўлмас наво -- «Хива лазгиси» мана шу шаҳарда сайқал топди, илк бор шу шаҳарда янграб, дунёга «юриш» бошлади. Хива кўчаларида юрсангиз, Худойберган Девонов чиқиллатган кинокамеранинг овозини, Сафо Муғанний, Хоним сувчи, Анаш халфа, Мадраҳим Шерозийлар тортаётган гармон оҳангини, Комилжон Отаниёзовнинг сеҳрли сасини, олтин қўлли Ота Полвон ясаган сопол идишлар жилвасини, яна қанча-қанчалаб илоҳий истеъдодларнинг ижодларини ҳис қиласиз.

Хива -- руҳни тарбиялайдиган, кўнгилларни ўстирадиган мураббий шаҳар. Хивага бир келиб кетишни орзу қилмаган шоир, рассом ё санъаткор бормикан ўзи? Рассом Тўра Қурёзнинг илк тарихий полотнолари шу кўчаларда яратилди. Ҳофиз Раҳматжоннинг қалбнинг томир-томирларигача кириб борувчи беназир овози шу осмон остида илк бора янгради.

Хива шаҳри -- Омон Матчон, Матназар Абдулҳаким, Фозил Зоҳид, Комил Аваз, Сафо Очил, Сотим Аваз, Баҳром Рўзимуҳаммад, Сайёра Самандарова, Ошиқ Эркин сингари воҳалик шоирлар, Ибройим Юсупов, Гулистон Матёқубова, Кенгесбой Раҳмонов, Халил Давлатназаров, Бахтиёр Генжемурод, Мансур Аҳмедов каби қорақалпоғистонлик назм усталари қуйлаган, шеърга солган манзил. Айтгандай, марҳум устозлар Қурбон ота Исмоилов, Эгам Раҳим, Саид Назар, Рўзмат Ота, Раҳим Бекниёз, Бола бахши, Уллибиби Отаевалар руҳларини ҳам айни шу жойда ёдга олиб ўтмоқ жоиз...

* * *

Жаҳон каҳкашонида ўз кўрки, ўз жозибаси ила кўзни яшнатиб турган бизнинг Хивамиз бу йил ўзининг 2500 йиллигини нишонлайди. Мангу ҳайратлар шаҳрида томоғингизга ҳайрат тиқилиб пичирлайсиз:

-- Авлодларга биздан салом айт!..

-- Бironта обиданга бевақт дарз кетмасин, момо шаҳрим!!.

-- Юлдузларинг ҳамиша ёниқ бўлсин, анжуморо! ! !

Музаффар АҲМАД.

ПЕКИНДА МУСУЛМОНЛАР МАҲАЛЛАСИ

Қадимги Хитой манбаларида Ислом дини бу мамлакат ҳудудида ҳам тарқалганлигини тасдиқловчи маълумотларни учратиш мумкин.

● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Уларнинг муаллифлари хабар берганларидек, Хитойда исломий таълимот ва мусулмонларнинг масжидлари пайдо бўлишида ўтмишдаги аждодларимизнинг хизматлари каттадир. Олис асрларда фалакнинг зайли ила асли келиб чиқиши Марказий Осиёдан бўлган айрим маърифат намояндалари, Бухоро ва самарқандлик баъзи бир диний уламолар бу заминга келиб қолиб, шу ерни ўзларига ватан тутишган.

Пекиндаги энг қадимги мусулмон маҳаллалари уларнинг номи ва хотираси билан узвий боғланиб кетган. Бу шаҳардаги эски бир масжид XIII асрда яшаб ўтган, мусулмон оламида машҳур икки шайх -- Шайх али Имомиддин Бухорий ва Шайх Муҳаммад бин Аҳмад Буртан Косонийларнинг хоки-покларини ўз сийнасида асраб келмоқда.

Бир замонлар ана шу табаррук сиймолар истиқомат қилган Нюже маҳалласи тахминан IX-X асрларда Пекиннинг жануби-ғарбий томонида, Юнгдингхэ дарёси соҳилларида бунёдга келган. Маҳаллада араблар, форслар, туркийзабон халқларга мансуб аҳоли яшаган. Улар тарихий-маданий анъаналарига содиқ қолиб, ўзларига хос турмуш тарзларини асраб-авайлаб сақлаб, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланганлар. Аждодларимиз илк марта юртимизнинг бебаҳо табиий неъматларидан бири -- анорни ўзлари билан бу ерга олиб келиб, кўкартириб, мўл-кўл ҳосил олишган. Шу боисдан улар яшаган маҳаллани хитойликлар Шилюже, яъни «Анорзор маҳалла» деб ҳам тилга олишган.

Мусулмонлар ҳовлиларининг ҳар қайсисида, албатта, сигир боқилиши ва дастурхонлари сут маҳсулотлари билан зийнатланиб туриши ҳам хитойликлар учун фавқулодда янгилик бўлиб туюлган. Худди шу воқеа сабаб бўлиб, мусулмонлар маҳалласини туб аҳоли Нюже, яъни «Сигирлилар маҳалласи» деб ҳам аташган.

Ҳозир шаҳарнинг бу маҳалласида дунганлар яшаяпти. Сўнгги маълумотларга қараганда, Нюже маҳалласининг аҳолиси 32 минг кишини ташкил этади.

Пекинда 34 та масжид бор. Нюже чинженгши, яъни «Сигирлилар маҳалласи масжиди» бу минтақадаги энг қадимги ва йирик ёдгорликлардан ҳисобланади. Масжидларнинг энг қадимгилари милодий 996 йилда қурилган. Ўтган минг йиллик давр мобайнида мазкур масжидлар бир неча бор қайтадан қурилиб, таъмирланган. Ушбу масжидлар зоҳиран Хитой меъморчилиги услубини эслатса-да, ички кўринишларида Марказий Осиё меъморчилик мактабларининг ўзгача жилолари яққол кўзга ташланади.

Пекиндаги мусулмонлар маҳалласининг такомили тарихи, масжид биноларининг майдонга келишида Қавомиддин (хитойча Гэвамудинг) исмли, келиб чиқиши араблардан бўлган шахснинг саъй-ҳаракатлари алоҳида эсланади. Чуқур билимдон, юксак маърифатли бу зотни маҳаллада охун ва шайх деб улуғлаб, унга чексиз эҳтиромлар кўрсатишган.

Пекиндаги масжидларнинг ривожи ва уларнинг эл аро обрў-эътибор қозонишида, шунингдек, биз юқорида номларини эсга олган икки шайхнинг ҳиссалари ҳам оз эмас. Шу туфайли бу улуғ сиймоларнинг қабри табаррукланиб, уларга масжид ичидан жой ажратилган.

60-йилларда, Хитойни «маданий инқилоб» васвасалари чулғаб олган кунларда бу шайхларнинг дахмалари ҳам харобазорга айланиш хавфи остида қолди. Бироқ хитойлик аҳли мусулмонлар дахмаларни вақтинча тупроқ билан кўмиб ташлаб, уларни вайронагарчиликдан асраб қолдилар. Фақат 1979 йилга келиб, Нюже маҳалласи аҳолиси дахмаларни қайтадан очиб, уларнинг устидаги тош лавҳалар ва атрофдаги майдонларни тамомила қайтадан таъмирладилар.

А. ХЎЖАЕВ,
«ЖАҲОН» ахборот агентлиги махсус мухбири.

● ТАЪТИЛНИ ҚАЕРДА ЎТКАЗАЯПСИЗ?

ФОТОНИГОҲ

ТОҒЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

Ушбу суратларга бир қаранг-а: ёлғизоёқ тоғ йўли, энг иссиқ кунда ҳам салқинлик берувчи чўмилиш ҳавзаси, дилкушо суҳбатлар кўнглингизга ором ва осойишталик бағишлайди. Беихтиёр Бобурнинг «Ёз фасли, ёр васли, дўстлар суҳбати» мисраси билан бошланувчи латиф ғазали ёдингизга тушади.

Тоҳир Норқулов (ЎзА) суратга олган ушбу гўзал кўринишлар Ургут тоғи ёнбағрида жойлашган «Золотинка» лагери ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда ёз ойларида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган минг нафардан ортиқ ўқувчилар мириқиб дам олишади. Йўлланма ҳам деярли сувтекин: ота-оналар умумий баҳонинг атиги 10 фоизинигина тўлайдилар, холос. Қолган қисми «Ўзбекгеология» давлат концерни ва Самарқанд вилояти касаба уюшмалари қўмитаси ҳисобидан қопланади.

Хуллас, қайноқ нафасли саратон кунларида тоғу тошда дам олишга не етсин!

«ОРОЛ-ДИАЛОГ»

Қорақалпоғистон пойтахтида янги уюшма — «Орол-Диалог» фаолият кўрсата бошлади

Мазкур уюшма тинчлик ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли—диалог йўли» дастурини қўллаб-қувватлаш, экологик масалалар ва хайрия ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, бу ерда ўлкамизнинг бой маданий меросларини тарғиб қиладиган ахборотлар ва суратли рисолалар нашр қилиниши ҳам режалаштирилган.

Ҳ. АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● ҚАҲҚАҲА

Абдураҳмон СИДДИҚОВ:

«ТЎЙ ТЎЙЛАРГА УЛАНАВЕРСИН!»

-- Абдураҳмон ака...

-- Шошмай туринг, Саиджон. Савол бермоқчисиз, тоҳдимми? Аввал ўзимни бир мақтаб олай. Дунёда қизиқчилар кўп. Аммо уларнинг ичида энг зўри, энг кетворгани, энг сўзга устаси менман!

-- О-о-о!

-- Ҳа. Севимли хонандамиз Юлдузхон Усмонова ҳам «Сени осмонимга олиб кетаман», деган қўшиғини менга атаб айтган!

-- Ростданми?

-- Шунақа деб ўйлайман-да, ўзимча.

-- Ҳозирги қизиқчиларимиз ичида энг олдин набира кўргани ҳам сиз бўлсангиз керак?

-- Отамиз -- Абдулатиф ҳожи, ўлимдан бошқа нарсанинг чилгиси яқши, деб турадилар икки гапнинг бирида. Оилада бош фарзанд бўлганимгами, эрта уйланганман. Худога шукур, бешта фарзандим бор: боши ўғил, охири ўғил, ўртаси қиз. Ўғлимда иккита қиз, қизимда бир ўғил.

-- Қизиқчиларнинг олди бўлиб туриб, қизиқчиликка энг кейин кириб келгани ҳам сиз!

-- Қизиқчи элнинг назаридаги одам бўлади. Ҳар томонлама ўрнак бўлиши керак. Шунинг учун уйланиш мана бунақа бўлади, деб амалда кўрсатиб бердим. Фарзанд кўриш бунақа бўлади, деб униям кўргазмали қилиб намойиш қилдим. Бобо мана бунақа бўлади, дея набирали бўлдим... Кейин қарасам, оилавий ҳаётда қиладиган ишим қолмабди -- қизиқчиликка урдим ўзимни. Албатта, булар ҳазил. Рустам Ҳамдамов деган қўшиқчи акамиз бўларди, худо раҳмат қилган бўлсин у кишини. Шу кишига доира чертиб берардим. 1976 йил бўлса керак, Жиззахда тўйда эдик. Бир йигит чиқиб даврада латифа айтди. Одамлар қотиб-қотиб кулди. «Э, мен бундан яхши айтаман!», деб юборибман. «Айтолмайсан, давранинг юки бўлади», дейишди. Устозимиз Муҳиддин қизиқнинг ҳангомаларини кўп эшитардим, у кишини ғойибона севардим. Даврага чиқиб уч-тўртта ҳангомасини айтиб бердим, одамлар роса маза қилишди. Рустам ака «Сенда қизиқчига хос бўлган фазилат бор экан, уни тарбияла», деди. Шу-шу, қизиқчиликнинг нонини еб юрибмиз.

-- Мана, эл таниган қизиқчига айландингиз. Бунга келинойимларнинг, яъни Обидахон опамларнинг муносабати қандай?

-- Қарама-қаршилик бўлган жойда тараққиёт бўлади, деган гапни хўп ақли бор одам айтган экан. Нима иш қилмоқчи бўлсам, хотинбой қарши тураверган. «Қизиқчилик қиламан», дедим, «Доира чертиб ҳам кунингиз ўтяпти-ю», деди. «Қизиқчи-90» танловига бораман», дедим, «Қариганингизда танловда бало борми!» деди... Ва ҳоказо... Мана, худога шукур, хотиннинг гапини тескарисини қилавергандим, ёмон бўлмадим.

-- Айтишларича, қишлоқ хўжалиги техникумини битирган экансиз...

-- Кучли одамларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигини битиради-да. Мана, раҳматли устозимиз Муҳиддин ака ҳам қишлоқ хўжалигини битирган эди. Ҳа, айтганча, қизиқчилар ичида энг кўп дипломлиси ҳам мен. Учта дипломим бор. Қишлоқ хўжалиги техникумини чорва механиги мутахассислиги бўйича тамомлагач, молхонада ишлай бошладим. Олти ой ишлагандим, талантимни моллар билиб қолдими ё бошлиқлар, ҳарқалай, хўжаликдаги йўқ клубга мудир қилиб ўтказишди. Ишим беда қўриқлаш, пахтани текшириш, ипак қурти боқилишини назорат қилиш... Қўқондаги маданий-оқартув техникумига ўқишга кирдим. Ўқишни битириб келгандим, хўжалик раҳбарига муовин қилиб кўтаришди. Энди у пайтларда дипломингиз бўлмаса, одам ўрнида кўришмасди, яна ўқишга бордим.

-- Хўжаликда орттирганингизни белга тугиб-а?..

-- Йўқ, бир тийинсиз ўқишга кирганман. Костюмимга «2-халқ иқодиёти кўрик-танлови қатнашчиси» деган нишонни тақиб олган эдим. Маданият институти домлалари бунақа нишонни кўришмаган экан, ҳайрон қолишди. «Қизиқчиман», дедим. «Битта эшитайлик», дейишди. «Бир лаганбардор одам бор экан, -- деб бошладим. -- Бошлиғи билан овга чиқибди. Тулки кўриб қолибди. «Отинг, хўжайин, отинг!» дебди. Бошлиқ «Банг!» этказиб отибди. «Тегдими?» деб сўрабди. «Тегди, хўжайин, тегди!» жавоб қилибди лаганбардор. «Ҳа, чопиб кетяпти-но?» — бошлиқ ҳайрон бўлиб яна сўрабди. «Ўлган тулкининг югуриб кетишини менам энди кўришим, хўжайин!» — дермиш лаганбардор». Ҳаммалари қулишди. Яна битта, дейишди, яна битта айтдим. Яна дейишди, яна айтдим. «Имтиҳондан ўтдингиз», дейишди, «Раҳмат!» дедим. Ўқишниям қизиқчилик қилиб юриб битириб олдим. Ёмон бўлганимиз йўқ: қизиқчи бўлдик, кинолларда ўйнадик...

-- Ие, кинода ҳам ўйнаганмисиз?

-- Кўрмаганмисиз? Энг зўр ролни биз ўйнаганмиз-да, «Темир хотин» деган кинода Бозорбой деган одам бор. Ўшани мен ўйнаганман. Қачон у кишини сўрашса, бозорда деб қўйишади.

-- Аммо экранда бирор марта ҳам кўринмайди-а?

-- Ҳа, кўринмайдиган ролларнинг энг устаси биз-да!

-- Бўй теракдай бўлгани билан... кўринмайсиз.

-- Бўй деганингизга эсимга тушиб кетди... Бўйингиз новча бўлса, ҳам яхши экан, ҳам ёмон. Яхшилиги — бозорга борсам, хотин мени йўқотиб қўймайди -- ҳамма жойда кўриниб тураман. Ёмонлиги — ўзимга мос уст-бошни тополмайман. Костюм тўғри келса, шимтўғри келмайди, шим мос келса, костюм. Якинда бир костюмшим олдим. Шими тўрт энли узун келди. Хотинга айтдим: «Тўрт энли кесиб бер!» «Тўйга боришим керак», деди. Қизимга айтдим. «Мактабга чақиришяпти», деган баҳонани қилди. Келинимдан илтимос қилдим. «Хўп», деди. Иш билан кўчага чиқиб кетдим. Кечқурун келсам, шим ўрнида шўртик турибди-да! Хотин тўйдан келиб, келинимнинг қирқанидан хабарсиз тўрт энли кесибди. Қизим ҳам «Эртага бирор ёққа борса», деб тўрт энли кесибди...

-- Ҳозирги энг олди қизиқчиларимизга муносабатингиз?..

-- Муносабатим яхши. Изланишяпти, ижод қилишяпти. Фақат кейинги пайтларда қизиқчиларимиз ўртасида хотин киши қиёфасида саҳнага чиқиш модага айланиб кетяпти. Қизиқчиликни масхаравозликкаям айлантириб юборишяпти. Тўғри, Теша қизиқлар ҳам саҳнага хотин кишининг кийимида чиқишган. Аммо бу «хотин»нинг айтадиган гапи бўлган. Ҳозирги «хотин»лар-чи? Суюқ, бачкана қиликлар қилиб саҳнанинг у томонига ўтишади, бу томонига ўтишади... Томошабин унинг қиликларидан кулишяптими, ё қизиқчининг устидан, «Ўл-а, бу кунингдан баттар бўл!» деб кулишяптими, билолмайсиз! Аёлларни таҳқирлашгача бориб етишяпти. Аёллар, биз масхара қилаётган хотинлар сингилларимиз, опаларимиз, оналаримиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

-- Қизиқчиларимиз ичида саҳнага дўппи кийиб чиқадигани ҳам сиз. Мабодо Муҳиддин қизиқ Дарвешов муборак дўппиларини сизга кийдириб кетмаганми?

-- Раҳматли устозимиз бутун бошли қизиқчилар мактабини яратиб кетди. Бизам мана шу мактабнинг ўқувчиси бўлганимиздан фахрланамиз. Жуда кўп нарсаларни ўрганганмиз, жумладан, дўппи кийишни ҳам.

-- Кулги, «Қаҳқаҳа » мухлисларига тилакларингиз.

-- Бизни қизиқчи қилган, элга танитган ана шу кулги мухлислари бўлади. Улар доимо соғу саломат бўлишсин. Юзларидан кулги, табассум аримасин. Кўпдан-кўп тўйлар қилишсин. Тўйлари тўйларга уланаверсин: биз келиб, қамишдан бел боғлаб хизматларида бўлаверайлик.

Саид АНВАР
суҳбатлашди.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0449, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ, Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир —Н. Жалил.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ —Ф. Бободўстов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6